

«O'zkimyosanoat» AJ
ягона акциядорининг
2021 йил 11 майдаги
3-сон қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»



**«O'ZKIMYOSANOAT»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
ДИВИДЕНД СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ
(ЯНГИ ТАҲРИР)**

Тошкент – 2021 йил

I - бўлим. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти дивиденд сиёсати (матн бўйича - Дивиденд сиёсати) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Қимматли қофозлар бозори тўғрисида»ги қонунларига, Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишларининг баённомалари билан (11.02.2016й. №02-02/1-187 ва 27.04.2018й. №24/1-989) тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси ва Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув Қоидаларининг тавсияларига, «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти (матн бўйича - Жамият) уставига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-хукуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур Дивиденд сиёсатида куйидаги термин ва тушунчалар ишлатилади:

- дивиденд - Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисми;
- Дивиденд сиёсати – Жамият фойдасининг тақсимланиши борасида Жамиятнинг сиёсати яъни дивидендларни акциядорлар ўртасида тақсимлаш;
- соф фойда — солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин Жамият ихтиёрида қоладиган фойда;
- дивиденд тўловлари фонди – Жамиятнинг оддий акцияларига дивидендлар тўлаш учун йўналтирилаётган соф фойданинг миқдори.

1.3. Мазкур Дивиденд сиёсатининг асосий мақсади дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш, миқдорини белгилаш, уларни тўлаш тартиби ва муддатлари шаффоф ва акциядорларга тушунарли механизмини белгилаш.

1.4. Жамият дивиденд тўловлари қолдик сиёсатига риоя қиласи. Ушбу сиёсат фойда ҳисобидан Жамиятнинг инвестицион имкониятларини амалга ошириш учун тўлиқ таъминловчи ўз молия ресурларини шакллантириш ихтиёжлар қондирилгандан сўнг дивиденд тўлаш фонди тузилишини назарда тутади.

1.5. Мазкур Дивиденд сиёсати 2024 йилнинг 1 январига қадар амал қиласи. Ушбу муддат тугаганидан сўнг Жамиятнинг ривожланиш стратегиясида белгиланган мақсадлар ва вазифалардан келиб чиқиб Жамият томонидан навбатдаги Дивиденд сиёсати қабул қилинади.

II - бўлим. Дивидендлар миқдорини ҳисоблаш принциплари

2.1. Дивидендлар миқдорини ҳисоблаш мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан ҳаққонийлиги тасдиқланган, Жамиятнинг молиявий ҳисоботида акс эттирилган Жамиятнинг соф фойдасидан келиб чиқиб амалга оширилади.

2.2. Дивидендлар миқдорини ҳисоблашда қуйидаги принципларга риоя қилинади:

- 2.2.1. дивидендлар миқдорини аниқлаш механизмининг шаффофлиги;
- 2.2.2. акциядорларнинг яқин (даромад олиш) ва узок (Жамиятни ривожлантириш) муддатдаги манфаатларини баланслаштирилганлиги;
- 2.2.3. Жамиятнинг инвестицион жозибадорлигини ва капиталлашуви даражасини оришга йўналтириш.

III - бўлим. Дивидендлар миқдорини ҳисоблаш тартиби

3.1. Дивидендлар миқдори Жамиятнинг ўтган даврдаги молиявий хўжалик фаолияти натижаларига боғлиқdir.

3.2. Бир дона оддий акцияга дивидендлар тўловлари миқдори қўйидаги формулага асосан ҳисобланади:

$$DTM_{OA} = \frac{DT\Phi}{C_{OA}}$$

, бунда

ДТМОА – бир дона оддий акцияга дивидендлар тўловлари миқдори;

ДТФ – дивидендлар тўловлари фонди;

СОА — Жамият томонидан жойлаштирилган оддий акциялар сони.

Жамиятнинг бир дона оддий акциясига дивиденд миқдори бир тийингача аниқлик билан ҳисобланади.

3.3. Бунда, дивидендлар тўловлари фондининг миқдори (ДТФ) қўйидаги тартибда ҳисобланади:

3.3.1. Соф фойданинг 5 фоизи Жамиятнинг захира фондини шакллантиришга йўналтирилади (захира фонди Жамиятнинг уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар);

3.3.2. Кузатув кенгашининг тавсияси асосида Жамият соф фойдасининг бир қисми Жамиятнинг бошқа фондларини шакллантиришга йўналтирилади;

3.3.3. Кузатув кенгашининг тавсияси асосида соф фойданинг бир қисми Жамиятни ривожлантиришга, шу жумладан Жамиятнинг инвестицион мақсадларига ва ихтиёжларини қаноатлантиришга, кредитларни тўлашга ва бошқа мақсадларга йўналтирилади;

3.3.4. Соф фойдадан мазкур низомнинг 3.3.1., 3.3.2. и 3.3.3. кичик бандларида акс эттирилган суммаларни айирган ҳолда дивидендлар тўловлари фондини (ДТФ) шакллантиради.

3.4. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қиласи.

3.5. Дивидендлар тўловлари миқдори Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан тавсия қилинган даражадан кам бўлмаслиги лозим.

3.6. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

IV - бўлим.

Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш тартиби

4.1. Жойлаштирилган оддий акцияларга дивиденд тўлаш (ҳисоблаш) тўғрисида қарор қабул қилиш Жамиятнинг мажбурияти эмас балки хукуқидир. Аммо Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

4.2. Дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилиниши учун Жамиятнинг Кузатув кенгashi дивидендлар миқдори бўйича тавсиясини акциядорлар умумий йиғилишига тақдим қиласи.

4.3. Тавсия тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари қоидалари, яъни:

4.3.1. дивидендларнинг миқдори Жамият Кузатув кенгashi томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмаслигини;

4.3.2. акциядорларнинг умумий йиғилиши дивидендлар тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлилиги инобатга олинади.

4.4. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўқиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

4.5. Жамиятнинг акциялари бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг микдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.6. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўқиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичida қабул қилиниши мумкин.

V - бўлим.

Дивидендларни тўлаш шакли, муддати ва тартиби

5.1. Дивидендлар Жамиятнинг тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

5.2. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

5.3. Дивидендлар тўланади:

5.3.1. юридик шахсларга нақдсиз шаклда уларнинг банк ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказиш йўли билан;

5.3.2. жисмоний шахсларга нақдсиз шаклда уларнинг пластик карталарига ёхуд талаб қилиб олингунча омонат ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказиш йўли билан.

5.4. Жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт.

5.5. Акциядорнинг ёзма аризасига асосан ҳисобланган, лекин акциядорга тўланмаган дивидендлар белгиланган тартибда Жамиятнинг акцияларини олишга йўналтирилиши мумкин.

5.6. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

5.7. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш хуқуқига эга.

5.8. Эгаси ёки эгасининг қонуний хуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичida талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра Жамият ихтиёрида қолади.

5.9. Дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда Жамиятнинг айби билан тўланмаган (олинмаган) тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиқсан ҳолда пеня ҳисобланади. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича ҳисобланадиган пенялар микдори тўланмаган (олинмаган) дивидендлар микдорининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.10. Акциядор Жамият томонидан ҳисобланган дивидендлар ва пенялар тўланишини суд тартибida талаб қилишга ҳақли. Акциядорнинг талаблари суд томонидан қаноатлантирилганда дивидендлар Жамият томонидан тўланмаган

тақдирда, Жамиятга нисбатан қонун хужжатларида белгиланган тартибда тўловга қобилиятсизликни бартараф этиш ёки банкрот деб эълон қилиш тартиб-таомили қўлланилади.

5.11. Акциядор унга тегишли дивидендлар ўтказилиши лозим бўлган банк ҳисоб рақамлари ҳақидаги ахборотни ўз вақтида Жамиятни хабардор қилиши лозим. Акциядор ҳисобланган дивидендлар ўтказилиши лозим бўлган банк ҳисоб рақамлари ҳақидаги ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, бунинг оқибатида акциядорга етказилган зарар учун Жамият жавобгар бўлмайди.

VII - бўлим.

Дивидендларни тўлашга доир чекловлар

6.1. Жамият:

- агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

- агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

6.2. Мазкур низомнинг 6.1. бандида қўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

6.3. Жамиятнинг қайтариб сотиб олинган ўз акциялари бўйича дивидендлар ҳисобланмайди.

VIII - бўлим.

Дивидендлар тўланиши ҳақида акциядорларни хабардор қилиш

7.1. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Қимматли қофозлари бозори тўғрисида»ги қонунларига, шунингдек «Қимматли қофозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш тўғрисида»ги қойидаларига (31.07.2012й. рўй.№2383) мувофиқ қимматли қофозлар бўйича даромадларни ҳисоблаш тўғрисидаги маълумотлар Жамиятнинг ваколатли органининг тегишли баённомаси тузилган санадан икки иш куни давомида Жамиятнинг расмий веб-сайтида (www.uzkimyosanoat.uz) ҳамда Корпоратив ахборот ягона порталаida (www.openinfo.uz) ошкор қилинади.

VIII - бўлим.

Якуний қоидалар

8.1. Мазкур низом акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган кунидан эътиборан қучга киради.

8.2. Агар мазкур низомни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

8.3. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик хужжатларида мазкур низомда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик хужжатлари қоидалари қўлланилади.

8.4. Ушбу низом акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган кунидан бошлаб аввал тасдиқланган «Ўзқимёсаноат» АЖнинг дивиденд сиёсати тўғрисида»ги низом ва унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ўз кучини йўқотади.